



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**

**BUXORO VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI  
QOROVULBOZOR TUMAN ADLIYA BO'LIMI  
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

200900, Qorovulbozor tumani, Navoyi ko'chasi 2-uy  
Tel.: (99855) 301-44-64, el.pochta: qorovulbozoryurmarkaz@adliya.uz

**Yuridik ahamiyatga ega hujjatlarning qonun hujjatlariga  
muvofiqligi to'g'risida huquqiy  
XULOSA**

2022-yil 21-sentyabr

Qorovulbozor tumani

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi. Bahosi 577 800 000 so'm bo'lgan, 1-davlat umumiy o'rta ta'lim maktabining tom qismini shifir qilish eshiklarni almashtirish ishlarini bajarish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Qorovulbozor tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 21.09.2022-yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i



A.Boltayev.

## ЖОРИЙ ТАМИРЛАШ ШАРТНОМАСИ № 56

Қоровулбозор т

«21» сентябр 2022 йил

**Қоровулбозор туман Халк таълими булими** (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан устав асосида ҳаракат қилувчи директор **Д.Рахматова** бир томондан ва иккинчи томондан **«Азизбек Элшод Савдо» МЧЖ** (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади) номидан устав асосида ҳаракат қилувчи директор **Р.Шарипов** ушбу шартномани туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Бажарувчи ўз таваккалчилигига асосланган ва ўзининг материалларидан фойдаланган ҳолда Буюртмачининг топшириғига асосан қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

**Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани Халк таълими булимига карашли 1-умумтаълим мактабини том қисми ва эшик деразаларни алмаштириш ишлари**

1.2. Буюртмачи Бажарувчига тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларини (1-илова) тақдим этиш, бажарилган ишни ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш, тайёр бўлган маҳсулотларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

### 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Шартнома баҳоси **577 800 000 ( Беш юз етмиш етти миллион саккиз юз минг )** сўмни ташкил этади.

2.2. Шартноманинг 2.1- бандида кўрсатилган баҳо дастлабки бўлиб, сўнги баҳо Бажарувчи тақдим этган синов баённомалари ва ҳақиқатда бажарилган далолатнома ҳамда ҳисоб фактураларга мувофиқ белгиланади. Шартнома баҳоси инфляция натижасида тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Шартнома баҳосининг ошиши билан боғлиқ харажатлар Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3-бандида белгиланган тартибда қопланади.

### 3. ТўЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Шартнома имзолангандан сунг Буюртмачи Бажарувчининг ҳисоб рақамига бажарилиша лозим булган ишнинг 30 % миқдорини олдиндан тулайди .

3.2. Шартнома бўйича сўнги ҳисоб-китоб ишлар бажарилгандан сўнги, қабул қилиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳисобга олинган ҳолда, 30 кундан кечиктирмай Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

### 4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

4.1. Бажарувчи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни ишларнинг календар режасида белгиланган муддатларда бажаради (1-илова).

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 31.12.2022 йилгача

### 5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Бажарувчининг мажбуриятлари:

5.1.1. ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатларда барча ишларни бажариш ва Буюртмачи талабларига мос келадиган ҳолатда ишларни топшириш;

5.1.2. Бажарувчи ўзига тегишли қурилмалар, бутловчи ашёларни сақлашни амалга ошириш;

5.1.3. Ишлаш майдончасида техник ва ёнғин хавфсизлигига ҳамда ишлаш майдончасининг кўриқланиши бўйича зарурий тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

5.1.4. Бажарувчи ўзига бириктирилган техникалар ва ускуналарда бажарилган синов ишларининг ҳажми, сифати ва ШНК талабларига жавоб бериши юзасидан "Буюртмачи" олдида жавобгарликни тўла ўз зиммасига олади.

5.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

5.2.1. шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

5.2.2. Бажарувчининг ёзма хабарномасини олган санадан бошлаб 1 ҳафта ичида усқунани қабул қилиб олиш.

## **6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузган тақдирда, айбдор тараф иккинчи тарафга ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома баҳосининг 0,5% аммо 10% дан ортик булмаган миқдорда тўлайди.

6.2. Мазкур шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга зарарни ва бой берилган фойдани қоплайди.

6.3 Агар Бажарувчи шартнома бўйича ишлар тугаллангандан сўнг ўзига тегишли материалларни қурилиш майдончасидан олиб кетмаса, Буюртмачи қурилиш майдончаси бўшатиб берилган санага қадар Бажарувчига бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашни тўхтатиб туришга ҳақли.

6.4. Неустойкани тўлаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

## **7. ФОРС-МАЖОР**

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

7.2. Тегишли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

7.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

7.4. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 2 ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

## **8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

8.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низоларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий судида яқка тартибда кўриб чиқилади. Иқтисодий судининг ҳал қилув қарори тарафлар учун қатъий ва мажбурий ҳисобланади.

## **9. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ**

9.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

9.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишнинг бориши ушланиб қолса ва ишнинг тугатишнинг шартномада белгиланган муддати 31.12.2022 йилдан ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида лойиҳада назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

9.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра қурилиш-монтаж ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи бажарилмаган ишни мольлаштириш имкониятини йўқотган бўлса

9.5. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Бажарувчининг биргаликдаги келишувига мувофиқ тугалланмаган ишлар Буюртмачига топширилади ва у биргаликда келишилган ҳажмда бажарилган ишлар қийматини Бажарувчига тўлаши лозим.

9.6. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 5 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## 10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Кафолатли фойдаланиш муддати давомида техникалар ва ускуналардан нормал фойдаланиши имкониятини бермайдиган даражадаги камчиликлар ва уларни бартараф этмасдан туриб техникалардан фойдаланиб бўлмаса, кафолат муддати камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган муддатга узайтирилади. Камчиликларни бартараф этиш Бажарувчи томонидан ва унинг ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувчининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Агар Бажарувчи камчиликлар аниқланганлиги ҳақидаги далолатномада кўрсатилган муддатда бажарилган ишлардаги камчиликларни бартараф этмаса, Буюртмачи камчиликларни бошқа ижрочининг кучи билан, харажатларни Бажарувчига юклаган ҳолда бартараф этишга ҳақли.

10.4. Бажарувчи камчиликлар аниқланганлиги ҳақидаги далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, Буюртмачи уларни тасдиқлаш учун малакали экспертиза тайинлайди ва бу экспертиза камчиликлар ва уларнинг хусусиятларини қайд этган ҳолда тегишли далолатнома тузади.

10.5. Бажарувчи Буюртмачининг ёзма розилигисиз бажариладиган ишни ёки унинг алоҳида қисмининг лойиха ҳужжатларини бошқа учинчи шахсга сотишга ёки топширишга ҳақли эмас.

10.6. Таъмирлаш ишларини бажариш натижасида Бажарувчининг айби билан учунчи шахсга етказилган зарар Бажарувчининг айби билан бўлганда эса –Буюртмачи томонидан қопланади. Бажарувчи етказилган зарарни тугатиш учун зудлик билан чоралар кўради, шу жумладан тегишли харажатларни Буюртмачи қоплайдиган тақдирда ҳам.

10.7. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

## ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

### БУЮРТМАЧИ:

Қоровулбозор Халқ таълими бўлими  
Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани  
Мустақиллик кўчаси 1/1уй  
Х/р: 100022860062327092100075027  
МФО: 00440 ИНН: 201057096  
Тел: +65 364-15-33

Директор:

Д.Рахматова



### БАЖАРУВЧИ:

«Азизбек Элшод Савдо» МЧЖ  
Манзил: Бухоро в. Шофиркон тумани  
Банк номи: «Узсаноатқурилиш банк»  
Х/р: 20208000800594460001  
МФО: 00440 ИНН: 303311741  
ОКЭД:  
Тел: +99897-860-29-29  
ККС тўлов чиси коди: 306130000299

Директор: Р.Шарипов



*гшб*